

Фарзанд отасидан воз кечиши мумкинми?

18:49 / 24.04.2016 4738

Фарзанд ёшлигида ташлаб кетган отасидан воз кечиши мумкинми? Бир дўстимизни отаси билан яраштириш учун ҳар қанча тиришмайлик, у «Мени тирик етим қилган отамдан воз кечганман», деб алоқаларни тиклашга кўнмаяпти. Шунга тушунтириш берсангиз.

ЖАВОБ: Муслмон киши қандай сабаблар билан аталмасин, ўз отасидан воз кечиши, бошқани ота ҳисоблаши мумкин эмас. Ислон шариатида бу иш таъқиқланган. Баъзилар отаси ёшлигида ташлаб кетгани учун жаҳл қилиб, бошқа бир кишини ота сифатида қабул қилади ва расмий ҳужжатларда буни қайд ҳам эттиради. Бу иш ҳаромдир.

Насл-насабни ҳар қандай шаклда қалбакилаштириш шариатимизда ҳаромдир. Баъзи эрлар хотинлари билан уришганда уларга ўчакишиб бузуқликда айблади ва пушти камаридан бўлган фарзандидан воз кечади. Баъзи хотинлар эса эрларига хиёнат қилиб, бегонадан орттирган болани эрига боғлайди. Буларнинг ҳаммаси ҳаромдир (Аллоҳ билувчидир).